

Ахборот-кутубхона технологиялари

# KUTUBXONA.UZ

№3 (51) 2021

Информационно-библиотечные технологии

Илмий-услубий журнал

Ушбу сонда:

Барно ГАНИЕВА  
ОСНОВОПОЛОЖНИК  
ВТОМАТИЗИРОВАННЫХ БИБЛИОТЕК  
УЗБЕКИСТАНА

8-бет

МАҲМУДОВ Мирвали Ҳайдарович  
КУТУБХОНА ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ  
СИФАТИДА: ГЕНЕЗИСИ ВА МОҲИАТИ

14-бет

ОЛИМЖОНОВ Ҳабибжон Абдухалим ўғли  
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА ВА  
УҚУВ ХОНАЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ  
ТАРИХИДАН

28-бет

*Ашга тўғри*  *М. Ҳодирхонев*

**Таҳрир кенгаши:**

Ходжаев А.А.,  
раис  
Исмаилова Ж.Х.  
Йўлдошев И.Ж.  
Маҳкамов Ш.Б.  
Тешабаева У.А.  
Юсупов У.М.

**Таҳрир ҳайъати:**

Умаров А.А.,  
бош муҳаррир

Алимасов В.А.  
Аҳмедова Ш.Б.  
Ахунджанов Э.А.  
Бекмурадов М.Б.  
Исмаилова Г.А.  
Каримова Х.Қ.  
Маврулов А.А.  
Маматов Н.  
Мусаев Н.У.  
Мўминов Б.Б.  
Нишанбаев Т.Н.  
Раҳматуллаев М.А.  
Содиқова Ш.М.

Қиличбоев О. – муҳаррир  
Ахборов А. – дизайнер  
Алимов Р. – саҳифаловчи

Обуна индекси: 1210  
Журнал Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида 2009 йил 3 февралда  
0059-рақам билан рўйхатга олинган.

Муассис:  
Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

Матндаги маълумот ва иқтибосларнинг  
аниқлиги учун муаллиф жавобгар.  
Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи  
назаридан ўзгача бўлиши мумкин.

ISSN № 2010-9784  
Таҳририят манзили: 100202  
Тошкент шаҳар, Алишер Навоий  
кўчаси, 1-уй  
Телефон ва телеграмм: (91) 134-06-95  
kutubxona@natlib.uz  
www.kutubxona.uz

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Бююртма №530. Адади 500 нусха.  
Формати: 84/60 3.0 б.т  
Босмахона манзили: Тошкент ш.,  
Навоий кўчаси, 1-уй  
Босишга рўхсат этилди: 2021.30.09

**МУНДАРИЖА**

**Малика МАТМУРАДОВА**

Абдулла Орипов асарларининг нашр этилиши ва  
библиографияси.....1

**Виктор АЛИМАСОВ**

Моцарт ва Декартнинг сирли ўлими  
(Ёки мутолаа фикрга чорлайди).....4

**Абдусалом УМАРОВ**

Ўзбекистон кластерининг халқаро довуғи.....6

**Барно ГАНИЕВА**

Основоположник автоматизированных  
библиотек Узбекистана.....8

**Ўктам НОСИРОВ,  
Малика МАТМУРАДОВА**

Китоб қатларига жо бўлган меҳр.....11

**МАҲМУДОВ Мирали Ҳайдарович**

Кутубхона ижтимоий институт сифатида:  
генезиси ва моҳияти.....14

**Тўйчи БОЙТЎРАЕВ**

Минтақа санъати тарихини ўрганувчи илмий  
ёрдамчи библиография.....24

**ОЛИМЖОНОВ Ҳабибжон Абдухалим ўғли**

Самарқанд вилояти кутубхона ва ўқув хоналарининг  
ташқил этилиши тарихидан.....28

**МУЙДИНОВА Моҳира Муқумжоновна,**

Архивлар социал бошқарувда.....32


**ЗАЙНИДИНОВ Ҳақимжон Насиридинович,  
МАҲМАНОВ Ориф Қудратович**

Олий малакали илмий ва илмий педагог кадрлар  
илмий салоҳияти мониторинги ва аттестацияси  
жараёнларининг ахборот моделлари.....37

**Фатхулла АБДУВАЛИЕВ**

Глобаллашган дунёда интеллектуал миграция  
жараёнларининг ижтимоий трансформацияси.....42

«Ахборот-кутубхона аълоҳиси» кўкрак нишони  
билан мукофотланганлар рўйхати.....48





## АРХИВЛАР СОЦИАЛ БОШҚАРУВДА



**МУЙДИНОВА Мохира Муқумжоновна,**  
Наманган давлат университети мустақил  
изланувчиси

Мақолада Ўзбекистонда архивларнинг вужудга келиш тарихи, уларнинг бугунги кундаги фаолияти, бу муассасаларнинг социал бошқарув тизимидаги ўрни ҳақида сўз юритилган. Архивлар тўғрисида қабул қилинган қонунлар ҳақида маълумотлар берилиб, архив фаолияти социологик жиҳатдан таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** архивлар фаолияти, социал бошқарув, ҳужжатлар тўплами, давлат архивлари, архив фондлари.

*This article examines the history of archives in Uzbekistan and their current activities. The author also provided information on the role of the archives in the system of social management and the adopted laws on archival activities. The author tried to conduct a sociological analysis of archival activities.*

**Keywords:** Archive activities, social management, collection of documents, state archives, archival funds.

ТАДҚИҚОТЛАР . ИССЛЕДОВАНИЯ

Ўзбекистон ҳудудида архив иши қийин, зиддиятли йўлни босиб ўтган. Сўнги йилларда республикамиз ўзининг замонавий архив тизимига ўта бошлади ва у миллий ўзликни англашда тарихий ва ижтимоий хотира билан боғлиқ бўлган маданий меросни кўрсатувчи илмий тадқиқотларга асосланишга киришди.

Архивлар тизими ахборот олишга ёрдам беради, шахсий ва бошқарув эҳтиёжлари учун зарур бўлган ҳужжатларни қабул қилиш учун кенг имкониятларни пайдо қилади. Архив (лотинча *archivum*, юнонча *archeion* – муассаса): 1) ҳужжатлар сақланадиган жой; 2) идоралар, ташкилотлар, шунингдек айрим шахслар иш фаолияти давомида тўпланган ҳужжатлар мажмуи маъносини беради. Архив ҳужжатлар мажмуи, шунингдек архив корхона, муассаса ва ташкилотнинг архив ҳужжатларини қабул қилувчи, сақловчи ва улардан фойдаланувчи таркибий бўлинма[1; 15]. Маълум маънода тизимни ривожлантириш учун кенг қамровли ахборотлардан фойдаланиш ва уларни амалиёт билан таъминлаш имкониятини яратиб беради. Замонавий жамиятда архивларнинг электрон шаклдаги хизматлари (электрон ариза, электрон иш оқими, виртуал кўргазмалар ва бошқалар) оммаланиб бормоқда.

Архивларнинг ижтимоий моҳиятини аниқлаш ва унинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш концепциясини тадқиқотчилар «фаолият», деб атайдилар. «Рус тилининг изоҳли луғати»да инсон фаолиятини «касб», «меҳнат» деб белгиланган[2]. Фалсафий нуқтаи назардан шарҳлайдиган бўлсак, фаолият инсонларнинг атроф-муҳит билан фаол муносабатлари шакли сифатида мазмунан тараққиётнинг мақсадга мувофиқ равишда ўзгаришига қаратилган ҳаракат саналади. Социологик нуқтаи назардан эса фаолият субъектларнинг ўзаро таъсирини белгиловчи тизимни ифодалайди, бошқарувда унга «уюшган ижтимоий ҳаракат» сифатида қаралади. Россиялик тадқиқотчи А.Тихонов фикрича, «ижтимоий ҳаракат – бу менежмент ҳаракатлари» ҳисобланади[3]. Фаолият умумий қарашларнинг ривожланиш муаммоларини ҳал қилиш ва ягона тўғри стратегияни топиш, оқибатлардаги тафсилотларни ишлаб чиқиш учун тактикавий бошқарув механизидир.

Архивлар фаолиятини менежмент фаолиятининг бир тури сифатида кўриб чиқиб, «ижтимоий ҳаракат» тушунчаси орқали аниқлаштириш, уни субъектлар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий аҳамиятга эга ҳаракатлар мажмуи, архив соҳасида ижтимоий ташкилотларнинг турли



даражаларда муайян мақсадларга эришишга қаратилган ижтимоий ҳодиса сифатида қараш мумкин. Бунда ижтимоий ҳаракатни тушуниш, бирлаштириш зарурияти келиб чиқади ва ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилишда фаолият ва тизим ёндашувлари ўрганилаётган объектнинг мазмунини ифодалайди. Хусусан, архивлар фаолияти ҳам бундан мустасно эмас. Ижтимоий ҳаракат ва ижтимоий фаолият сифатидаги ёндашувларнинг комбинацияси тизимли муносабатни олдиндан белгилаб беради ва ижтимоий боғлиқлик сифатида архивлар фаолиятини тартибга солади.

Архивлаш тарихи ёзувнинг ривожланиши, дастлабки ҳужжатларнинг пайдо бўлиши билан бошланди. Ўрта асрлардаги архивлар, Сомонийлар, Амир Темур давлати, Хива ва Қўқон хонлари, Бухоро амирлиги архивлари, уларда иш юритишининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Тарихда ҳужжатнинг қиймати шунчалик аҳамиятли-ки, уни қадимги даврларда илм-фан, маданият ва маориф арбоблари, ҳукмдорлар яхши тушунишган. Шунинг учун ҳужжатлар саройларда бошқа моддий бойликлар билан бирга сақланган. Аммо уларни тизимга солган ҳолда сақлашга эътибор қилинмаган. XIX асрда Туркистон ўлкасининг генерал-губернатори Кауфман марказлашган ҳужжатлар омборхонаси яратишга уриниб кўрди, аммо бу муваффақиятсиз тугади.

Ўзбекистонда архивлар тармоғини яратиш 1919 йил 5 ноябрда Туркистон Республикаси Марказий Ижроия қўмитасининг фармони билан бошланган. Ушбу даврнинг тарихий қиймати шундаки, барча ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарнинг ҳужжатлари давлат мулки деб эълон қилиниб, республиканинг ягона давлат архив фонди яратилди. Кейинги ўн йилликларда Ўзбекистонда марказий давлат ва минтақавий архивлар ташкил этилди. Архивлар тармоғи аста-секин кенгайиб борди.

Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида архивлаш тарихи учун муҳим воқеа юз берди, яъни биринчи ихтисослаштирилган архив – Марказий кино ва фото ҳужжатлари давлат архиви яратилди. Ушбу воқеа туфайли архив 1930-1940- йиллардаги фотосуратларни сақлади ва улардан фойдаланган ҳолда мамлакат ҳамда ўша даврдаги халқ ҳаётини манзараларини қайта тиклаш имконияти туғилди.

XX асрнинг 20-йилларига оид фотосуратлар жуда кам, боз устига ўзбек киноижодкорлари то-

монидан суратга олинган ҳужжатли фильмлар эса сақлаш учун Москвага юборилган. Аудиовизуал ҳужжатлар архиви яратилиши билан мамлакатимизда кино, фото ҳужжатларини ихтисослаштирилган архивда тўплаш амалга оширилди. Қийин вақт бўлишига қарамай, фидойилик билан ишлайдиган архив ходимлари кириш ҳужжатларини қабул қилиш ва ҳисобга олишни амалга оширдилар.

1958 йилда Марказий давлат тарихий архиви асосида ягона Ўзбекистон Марказий давлат архиви ташкил этилди, бир йилдан сўнг унга кино ва фото ҳужжатлар архиви қўшилди. Ихтисослаштирилган муассасанинг қоғозга асосланган ҳужжатларни сақлайдиган архив бўлими сифатида қайта ташкил этилиши фильм-фото-фоно ҳужжатларни тўплаш ва сақлашга катта зарар етказди. Буни давлат сақлашга қабул қилинган ҳужжатлар сонидан ҳам, уларни илмий қайта ишлаш сифатидан ҳам кўриш мумкин. Шу сабабли, 1974 йилда яна республиканинг алоҳида кино ва фото ҳужжатлари марказий давлат архивини яратиш мантиқан тўғри қарор эди.

Тиббиёт ривожини 1962 йилда Тиббий ҳужжатларнинг Марказий давлат архиви яратилишига, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг ўсиши, фан-техника ва илмий-техник ҳужжатларнинг кўпайиши кейинчалик тиббиёт ва илмий-техник ҳужжатлар Марказий давлат архивининг шаклланишига олиб келди. Бу воқеанинг ижобий аҳамияти шундан иборатки, ушбу турдаги ҳужжатлар, (масалан, картографик ҳужжатлар) махсус сақлаш шароитларини яратишни, илмий-техник қайта ишлашни ва улардан фойдаланишни талаб қилади.

XX асрнинг иккинчи ярмида ҳужжатлар қийматини текширишга илмий ёндашувни ишлаб чиқиш, консервация, профилактика ва тиклаш ишларини самарали олиб бориш, суғурта фондидини яратиш ва ҳужжатларнинг илмий маълумотнома аппарати тизимини яратиш Ўзбекистонда архив ишининг ривожланишида ижобий ҳодиса бўлди. Ушбу даврда мутахассислар архив иши учун қўлланмалар тузиш устида фаол иш олиб бордилар.

1988 йилда Архив иши бўйича жамоат кенгашининг ташкил этилиши эътиборли воқеа бўлди. Ўзбекистоннинг етакчи олимлари ва маданият ходимларидан иборат кенгаш жамоатчиликнинг архив ишларини бошқаришда иштирок этишини таъминлади[1; 87].

Давлат мустақиллигининг дастлабки йиллари



мамлакат архив иши учун янги имкониятлар ва шу билан бирга бир қатор муаммоларни очиб берди. Оммавий хусусийлаштириш ва нодавлат институтларнинг пайдо бўлиши сабабли, ишга қабул қилишда қийинчиликлар юзага келди. Шунингдек, янги иқтисодий шароитда, яъни бозор иқтисодиёти шароитида ишлаш, кадрлар тайёрлаш масаласини ҳал қилиш учун қайта ташкил этиш зарур эди. Қатъийлик ва фидойилик туфайли архивчилар ушбу қийинчиликларни енгиб ўтдилар.

1990 йилларнинг охирига келиб Ўзбекистон Республикасида архив соҳаси учун қонунчилик асослари яратилди: архив иши ва қонун ости ҳужжатларидаги муносабатларни тартибга солувчи биринчи қонун қабул қилинди.

1999 йилда Ўзбекистоннинг марказий давлат архивлари негизида мамлакат тарихида биринчи марта «архившунослик» ихтисослиги бўйича магистрлар тайёрлаш бошланди. Ўзбекистон архивчилари Жанубий Корея, Малайзия каби ривожланган мамлакатларда малака ошириш имкониятига эга бўлдилар.

XXI асрнинг бошларида архив ишида сезиларли ютуқларга эришилди. 2003 йилда Ўзбекистон Миллий университетида «Архившунослик» бакалавриат йўналиши очилди ва 2005 йилдан буён магистратура мутахассисликлари фаолият кўрсатмоқда. Республикамизнинг марказий давлат архивларида мамлакат муассаса ва ташкилотларининг иш юритиш ва архив ишларини бошқарувчи масъул ходимлари учун малака ошириш тизими яратилган.

Марказий давлат архивлари мутахассислари мустақиллик шароитида биринчи йирик меъёрий-услубий ҳужжатларни: республика архивларининг асосий қоидаларини ишлаб чиқдилар.

2009 йилда Корея Халқаро ҳамкорлик агентлигининг гранти билан мамлакат марказий давлат архивлари компьютер техникаси ҳамда ҳужжатларни рақамлаштириш ва электрон библиографик тавсифлар учун дастурий таъминот билан таъминланди. Чет эл ташкилотлари билан алоқалар кенгайтирилди. Ўзархив агентлиги Россия федерал архив агентлиги, Ҳолокост ёдгорлик музейи, Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги, Греция ва Италиянинг тегишли органлари билан архив ишлари соҳасида икки томонлама шартномалар имзолади. 2009 йилдан бери «Ўзархив» агентлиги Халқаро архивлар кенгашининг аъзоси

бўлиб, ҳар йили ўтказиладиган йиғилишларда, қарор қабул қилишда қатнашиб келади[5].

2010 йил мамлакатимиз архив хизматлари учун янги ҳужжат – «Архив иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани билан аҳамиятли бўлди. Қонун архив соҳасидаги муносабатлар доирасига нодавлат архивларни ҳам тўлиқ қамраб олди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, «Ўзархив» агентлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг архив иши соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилди. Шунингдек, мазкур ҳужжат билан Миллий архив фонди ва унинг таркиби аниқланиб, архивларни ташкил этиш шартлари архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби ўрнатилди.

Мустақиллик йилларида бир қатор давлат архивлари учун янги замонавий бинолар қурилиб, видеокузатувларни орқали замонавий хавфсизлик режими ўрнатилди. Миллий архив фондидаги муҳим ҳужжатлар рақамлаштирилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг марказий давлат архивлари тарихий меросни бошқариш бўйича республика конференциялари ва семинарларини ташкил этилмоқда. Мамлакатнинг бир қатор етакчи университетлари архив соҳаси учун мутахассислар тайёрламоқда.

Архивлар ўз хизматларини тақдим этиш бора-бора фаол иш олиб бораётгани, анъанавий фойдаланиш шакллари янги, замонавий хизмат шакллари (электрон нашрлар, виртуал саёҳатлар) уйғун равишда кўшилиб, муассасанинг жозибадорлиги ошаётгани кейинги пайтларда соҳадаги ижобий ўзгаришлардан далолат бермоқда. Архив хизмати-нинг кўргазмаларини баҳолаш, матбуот анжуманлари, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг ташкил этилиши уларнинг ижтимоий жараёнларидаги ролини ортиб бораётганига мисол бўла олади.

Мамлакатимизда архивлар тизимидаги ислохотлар бу соҳанинг ривожланиб бораётганлиги билан аҳамиятлидир. Биргина Наманган вилояти мисолида олсак, 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида давлат архивининг пуллик хизматидан 449 млн. сўм маблағ тушган бўлса, 2021 йилнинг биринчи ярмидаёқ фуқароларга 487 млн. сўмлик хизмат кўрсатилган. Давлат архивлари Архив ҳужжатларининг 2019 йилнинг биринчи ярмида қоғоз асосида 4711 сақлов бирлигидаги ҳужжатларнинг электрон нусхаси ҳамда 167394 қоғоз асосидаги



кадрлар ҳужжатларининг электрон нусхаси яратилган бўлса, 2021 йилнинг биринчи ярмида қоғоз асосида 26914 саклов бирлигидаги ҳужжатларнинг электрон нусхаси ҳамда 1460704 қоғоз асосидаги кадрлар ҳужжатларининг электрон нусхаси яратилди [4]. Бу кўрсаткичлардан кўришиб турибдики, архив ҳужжатларини электрон шакли йилдан-йилга кўпроқ шакллантирилмоқда. Нагижада мижозларга хизмат кўрсатиш тизимида қулайликлар шарт-шароитлар юзага келмоқда.

Архив фаолиятини ташкил этишнинг тарихан шаклланган тури кишилар ҳаёти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларини кондириш ва ундаги маълум ижтимоий вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган. Архив фаолияти ижтимоий аҳамиятга молик ҳаракатлар мажмуини ўз ичига олади, архив соҳасидаги ходимлар томонидан маълум нарсаларга интилиш турли даражаларда амалга оширилади, жамиятни ижтимоий ташкил этиш ижтимоий мақсадлар ва манфаатлардан келиб чиқади.

Архив фаолиятини ташкил этишда урта асосий босқич мавжудлигини ажратиб кўрсатиш мумкин: дастлабки босқич ҳужжатларни тушуниш бўлиб, биринчи навбатда амалий ва сиёсий мақсадлар кўзда тутилган ҳолда унинг вазифалари белгилаб олинади, бу босқичда ҳужжатларни аралаш сақлаш кузатилади. Иккинчи босқич ҳиобланган ўтиш даврида архив фаолияти ривожланиб боради. Бошқарув соҳасини шакллантириш учун архив фаолияти илмий интизом ва профессионал билим соҳалари сифатида муайян шартларга бўйсундирилади. Учинчи босқич архивнинг ташкилот сифатида таркиб топишидир.

Ҳозирги пайтда архив фаолиятини ташкил этишнинг иккита асосий тури кенг тарқалган, яъни: 1) давлат тасарруфидаги архивлар. Буларда бошқарув ва назорат давлат томонидан амалга оширилади, фаолиятда давлат аралашуви яққол сезилади (Россия Федерацияси, МДХ давлатлари, Осиё-Тинч океани минтақасидаги Хитой, Жанубий Корея ва бошқалар); 2) марказлаштирилмаган архивлар тизими. Буларда кўп сонли хусусий архивлар устунлик қилади (Ғарбий Европа давлатлари, АҚШ, Лотин Америкаси мамлакатлари).

Замонавий жамиятда архивларнинг электрон шаклдаги хизматлари (электрон ариза, электрон иш юритиш, виртуал кўргазмалар ва бошқалар) оммалашиб бормоқда. Бу албатта бошқарув тизи-

мида ҳужжатлар билан ишлаш жараёнини осонлашишига, энг асосийси, вақтнинг тежалишига имкон яратади. Ижтимоий бошқарув тизимида архивлар социал хотирани сақлашда, ёшларнинг миллий ўзлигини англашида ҳам аҳамияти ортиб бормоқда. Чунки архивлар маънавиятимиз ҳамда тарихимизнинг кўзгусидир. Асрлар билан бўйлашган тарихимизга оид ҳужжатларнинг асл нусхаларини сақлашда архивларимизнинг ўрни бекиёс.

Шиддаткор вақт архивлар олдига ҳам долзарб вазифалар қўймоқда. Ахборот ресурслари ва ҳужжатларнинг тез суръатларда ўсиши уларнинг давлат томонидан назорат қилинишида муаммоларни келтириб чиқарди. Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушадиган сўровларнинг кўпайиши тезкор бажарилишини ташкил этиш зарурлигини белгилаб қўйди.

Бундай шароитда 2019 йилда мамлакатимиз архив тизимида жиддий ўзгартиришлар киритадиган янги меъёрий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ-5834-сон Фармони ҳамда шу санадаги «Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 4463-сон Қарори қабул қилинди. Фармонга биноан Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги ташкил этилди [5]. ва Президент Қарори билан Агентликка:

архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш ва назоратни амалга ошириш;

Миллий архив фондининг ҳужжатларини жамлаш, уларнинг сақланишини, давлат ҳисобига олинишини таъминлаш ва улардан кенг фойдаланиш;

давлат архивларини бошқариш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

архив хизматларини кўрсатишда нодавлат секторини янада ривожлантириш, архив иши соҳасида давлат-хусусий шериклик учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

архившунослик, археография, иш юритиш, электрон ҳужжат айланиши соҳасида илмий, методик ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, илмий тадқиқотлар натижаларини ва илмий-техника ютуқларини республика архивлари амалиётига жорий этиш;

замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда мунтазам равишда архив иши ва иш юритиш



соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни малакасини ошириш тизимини шакллантириш;

архив иши ва иш юритиш соҳасидаги мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг илғор иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш, хорижий архивларда сақланаётган Ўзбекистон тарихига оид архив ҳужжатлари нусхаларини олиб келиш сингари вазифалар юкланди [6].

«Ўзархив» агентлиги ҳузурида Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-услубий маркази ва Архив ишларини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Соҳадаги бу ислохотлар архив ишига эътиборнинг юксалаётганлигидан дарак беради.

Архив тизимида долзарб масалаларни ҳал қилиш учун архивларни малакали мутахассислар билан таъминлаш талаб этилади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон архивлари ўзлари ихтисослашган соҳалар бўйича ҳужжатлар билан ишлашнинг илмий-услубий марказлари эканлигини инобатга олган ҳолда тажриба лабораторияларини яратиш мақсадга мувофиқдир. Яратилган лабораториялар ўқув муассасалари талабалари ва архив ходимлари учун илмий лойиҳаларини ҳимоя қилиш, уларни экспертиза ва услубий комиссиялар, архивлар меҳнатини илмий ташкил этиш кенгашлари, «Ўзархив» агентлиги Илмий кенгаши ва Агентлик ҳузуридаги Архив иши бўйича жамоат кенгаши муҳокамасига тақдим этиш имкониятини беради. Экспериментал (тажрибавий) лаборатория базаси тажрибали архив ва АКТ мутахассисларидан иборат бўлади. Лабораторияларда талабалар ва архив ходимлари ўз лойиҳаларини жойида синаб кўришлари мумкин. Шунингдек, келаётган тадқиқот ва ишлаб чиқариш лойиҳаларининг электрон маълумотлар базасини сақлаш керак. Шу тарзда, лойиҳалар ёзиб олинади, уларнинг библиографияси тузилади ва келажакда истаган абитуриент, шунингдек архив ходими лабораторияга тақдим этилган лойиҳаларни ўрганиши ва шу билан тадқиқот қобилиятини ўстириши мумкин.

Миллий архивлар ҳузурида экспериментал лабораториялар яратиш самарадорлиги тарихий мисоллар билан ҳам тасдиқланган. Экспериментал лабораторияларда электрон ҳужжатларни йиғиш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш жуда муҳимдир. Архивлар бу борада ҳали жиддий тажрибага эга эмас. Вақтни сарф қилмасдан, бу ишни

архив лабораторияларида бошлаш керак. Мамлакатни ахборотлаштириш ҳар қандай иш жойида, ҳар қандай вақтда ахборот билан ишлаш ва ундан фойдаланишда қулайлик, тезкорлик ва аниқликка эришиш вазифасини кўяди. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун идоровий ва давлат архивлари ўртасида жонли алоқа ўрнатиш, умумий усулларни биргаликда ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун бизда тажриба мавжуд: Ўзбекистон миллий архивларида иш юритиш ва архив иши бўйича интерактив ўқув семинарлари фаолияти олиб боради. Ушбу тажрибадан фойдаланишимиз керак. Архивчи бутун ҳужжат айланиши жараёнларига таъсир қилиши, яъни, ҳужжат яратишда (ҳужжатни қабул қилишда) унинг хавфсизлиги тўғрисида ўйлаши, уни илмий ва техник қайта ишлашга, ҳар қандай вақтда фойдаланиш имконияти таъминланишига эришиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, архивларнинг амалий фаолиятини илмий таҳлил қилиш, уларда сақланаётган ноёб ҳужжатларни тадқиқ этиш ҳамда соҳаларнинг ривожланиш тенденцияларини ҳужжатлар асосида ўрганиш орқали иқтисодиётимизнинг истиқболлари ҳақида тасаввурларимизни кенгайтиришга эришмоғимиз керак. Бунинг учун жамиятнинг маълумотларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини самарали ва тезкор равишда қондира олиш ҳамда халқимизнинг бой тарихий ва маданий меросини авайлаб сақлаган ҳолда улардан ҳозирги ва келажак авлодлар бахт-саодати йўлида фойдаланишимиз лозим.

#### Фойдаланилган адабиётлар.

1. Исоқов М., Алимова Р. Архившунослик. Ўқув қўлланма. Тошкент: 2017. – Б.15, Б.87.
2. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка / 4-е изд., доп.– Москва: ИТИ Технологии, 2003. – С. 78.
3. Тихонов А.В. Социология управления как научно-исследовательская программа // Проблемы управления и управляемости социальных процессов: методология, методы и процедуры социологического исследования. – Москва: ИС РАН, 2008. – С. 15.
4. <https://www.archive.uz> Архив маълумотлари асосида.
5. <https://lex.uz/docs/4523373>
6. <https://lex.uz/docs/4523179>